



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

2020 у. «3» декабрь № 44

“Туризм статистикаси бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Туризм статистикаси бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 18 январдаги “Туризм статистикаси бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 1-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил “ 3 ” декабрдаги
44-сон қарорига
ИЛОВА

Туризм статистикаси бўйича услубий низом

I. Умумий қоидалар

Туризм статистикаси бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва хорижга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони тўғрисидаги, ҳамда жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти тўғрисидаги расмий статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида туризм статистикаси бўйича халқаро тавсияларга асосан ишлаб чиқилган (ТСХТ-2008).

Келган ва кетган фуқароларнинг маълумотлари мамлакатлар кесимида ҳисобот даври бўйича биринчи чорак, биринчи ярим йиллик, 9 ой ва йиллик ва жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти маълумотлари эса йилда бир марта тайёрланади.

II. Асосий тушунчалар

1. Сайёҳлик сафари – ташриф буюрувчи томонидан амалга ошириладиган сафар ҳисобланади.

Сайёҳлик ташрифи – сайёҳлик сафари давомида ташриф буюрувчи томонидан ташриф буюрилган жойда бўлиш ҳисобланади.

Саёҳатчи – турли географик жойлар оралиғида ҳар қандай мақсадда ва ҳар қанақа муддат давомида ҳаракатланаётган шахс ҳисобланади.

Ташриф буюрувчи – бу ўзининг одатий муҳитидан бирор-бир белгиланган асосий жойга, ташриф буюраётган мамлакатда ёки жойда рўйхатга олинган корхонага ишга жойлашиш мақсадларидан ташқари, ҳар қандай асосий мақсадни (хизмат сафари, дам олиш ёки бошқа шахсий мақсад) кўзлаб, бир йилдан кам бўлган муддатга сафарни амалга оширувчи саёҳатчи.

Сайёҳлар (тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар) – ташриф буюраётган мамлакатнинг жамоавий ёки якка тартибдаги жойлаштириш воситаларида камида бир кеча тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар.

Бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсиячилар) – ташриф буюраётган мамлакатнинг жамоавий ёки якка тартибдаги жойлаштириш воситаларида кечаси тунаб қолмайдиган ташриф буюрувчилар.

Кирувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳати.

Чикувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳати.

Туроператор – бу лицензия асосида истеъмолчиларнинг оммавий ва индивидуал талабига мўлжалланган туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, уни туристик агентлар ва туристларга сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъекти.

Туристик агентлик (Турагент) – туроператор томонидан ташкил этилган турларни сотадиган ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор. Турагент туроператордан турларни сотиб олади ва харидорга туристик маршрутни амалга оширади ёки туроператор томонидан тақдим этилган комиссия эвазига турист ва туроператор ўртасида воситачи вазифасини бажаради.

III. Маълумотлар манбаи ва унинг статистик ҳисоби

2. Туризм соҳасида статистик маълумотларни шакллантириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1-turizm shakli “Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида ҳисобот”, 1-kb tur “Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корxonанинг ҳисоботи” сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан йилда бир марта тақдим этиладиган давлат статистик ҳисоботлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 263-сонли қарорига асосан ҳар ой тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан хорижга чиққан шахслар, Ўзбекистон Республикаси Давлат

хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари томонидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони сафар мақсадлари, давлатлар, жинси ва ёши тўғрисидаги маълумот.

3. Агар чет эл фуқароси (Ўзбекистон Республикаси фуқароси) ҳисобот даври давомида бир неча марта хорижга чиққан бўлса, Давлат персоналлаштириш маркази ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари маълумотларида бир йўналиш бўйича давлат чегарасини бир неча марта кесиб ўтган бўлса, шунча марта ҳисобга олинади. Шунинг учун Услубий низомда фуқаролар сони эмас, балки туристик сафарлар сони ҳисобга олинади.

4. Туризмнинг турли кўринишлари билан боғлиқ сафарлар қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- сафар мақсади;
- сафар ёки ташрифнинг давомийлиги;
- жойлаштириш турлари.

Сафар мақсади тушунчаси, ушбу сафар сайёҳлик сафари мезонларига, саёҳатчи эса ташриф буюрувчи мезонларига мувофиқ келишини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Шунингдек, сафар мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар ташриф буюрувчининг истеъмоли ва харажатлари хусусиятларига хос бўлган моделларни аниқлашда қўлланилади. Статистика амалиётида, “ушбу мақсад бўлмаган тақдирда сафар амалга оширилмаган бўлар эди” - деб аниқланадиган сафарнинг асосий мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилади.

У ёки бу ташриф буюрувчи сафарда бўлиб туриб, иккинчи даражали фаолият турини амалга ошириши мумкин бўлса ҳам, ҳар бир сайёҳлик сафари битта ягона асосий мақсадга эга бўлади.

Сайёҳлик сафарлари мақсадларининг таснифланиши мазкур Услубий низомнинг 1-иловасида келтирилган.

Сафар мақсадларининг қуйидаги таснифлари мавжуд: хизмат, иш, ўқиш, қариндошларни йўқлаш, сайёҳлик, даволаниш, тижорат, транзит ва бошқалар.

Туристлик сафар мақсадларига юқоридаги сафар мақсадларининг иш, транзит, бошқа ва доимий яшаш мақсадларидан ташқари барчаси киради.

5. Туризм ҳажми сафарлар сони, шунингдек, сафар давомида ўтказилган тунлар сони билан ифодаланиши мумкин. Сафар давомийлиги, тунаб қолиш билан жойлаштириш хизматлари каби сайёҳлик хизматларига бўлган талабни баҳолаш учун муҳим кирувчи маълумот ҳисобланади.

Сафарнинг давомийлигини аниқлаш бирор-бир сафар ёки ташриф билан боғлиқ бўлган харажатларни баҳолаш учун зарур.

6. Ташриф буюрувчи томонидан айтиладиган ва қабул қилинадиган сафарнинг умумий давомийлиги, ташриф буюриладиган жойлар оралигида ҳаракатланиш учун сарфланадиган вақтнинг ҳисобига, ташриф буюриладиган жойларда туриш давомийлигининг умумий миқдоридан фарқ қилиши мумкин.

Тунаб қолиш билан ўтказилган сафарларни ўз ичига олган сафар давомийлиги тунлар сони билан ифодаланади. Тунаб қолиш назарда тутилмаган сафарларни, сафар давомида ўтказилган соатлар миқдоридан қатъий назар бир кунлик сафарлар деб қараш керак. Тунаб қолиш билан ўтказилган сафарлар уларнинг давомийлиги бўйича гуруҳланади.

Тунаб қолувчи ташриф буюрувчиларга тунаб қолиш учун у ёки бу турдаги жойлаштириш жойи керак бўлади ҳамда жойлашишга кетган харажатлар кўпинча сафар умумий харажатларининг нисбатан кўп қисмини ташкил этади.

7. Қисқа муддатга жойлаштириш ёки тижорат (бозор муносабатлари) асосида, яъни пуллик хизматлар сифатида бўлиши, ҳатто, агар ташриф буюрувчидан олинаётган тўлов ушбу харажатларни қоплаш учун таъминлаб берилган бўлса ҳам, ёки нотижорат (бозор муносабатлари бўлмаган) асосда, яъни, оила аъзолари, дўстлар ёки қариндошлар томонидан бепул ёки ўз ҳисобидан (мулкдорлар эгаллаб турган дала ҳовлилар) кўрсатилган хизматлар сифатида бўлиши мумкин.

Ташриф буюрувчилар шунингдек, очиқ ҳавода тунаб қоладиган пиёда саёҳат қилувчилар ҳолатидаги каби, кўрсатиладиган ҳар қандай турдаги жойлаштириш хизматларини рад этишлари мумкин.

8. Давлат статистика ҳисоботлари асосида, сайёҳлик хизматлари таклифлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи сайёҳлик ташкилотлари ва жамоавий жойлаштириш воситалари фаолиятини ифодаловчи йиллик маълумотлар шакллантирилади, хусусан:

- сайёҳлик фаолияти ва ташриф буюрувчиларни жойлаштириш билан шуғулланувчи корхоналар сони;
- сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони ва қиймати;
- сайёҳлик фирмалари томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони (туризм турлари ва мамлакатлар гуруҳлари бўйича);
- хизмат кўрсатилган бир кунлик ташриф буюрувчилар сони;

- ташриф буюрувчиларнинг яшаган киши-кунлари;
- жамоавий жойлаштириш воситаларининг хона фонди (объектлар, номерлар (хоналар), ўринлар (койкалар) сони);
- жамоавий жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган шахслар сони (келган мамлакатлар гуруҳлари, мақсадлари ва сафар давомийлиги бўйича);
- жамоавий жойлаштириш воситаларида ташриф буюрувчилар томонидан ўтказилган тунлар сони.

Статистика мақсадларида фойдаланиладиган сайёҳларни жойлаштириш воситалари таснифи ва унинг кичик гуруҳлари тавсифлари 2 ва 3-иловаларда келтирилган.

IV. Туризм статистикаси кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари

9. Кирувчи (чиқувчи) туристик сафарлар учун ҳисоблаш усуллари:

- туризм статистикаси кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар (ТСХТ-2008) асосида олиб борилади;
- ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сонини аниқлаш учун ўқиш, қариндошларни йўқлаш, хизмат, тижорат, сайёҳлик ва даволаниш мақсадида келган чет эл фуқаролари сони қўшилади;

$$T_{ent} = S + V + B + C + T + H,$$

бунда,

T_{ent} – туристик мақсадларда Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

S – ўқиш мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

V – қариндошларни йўқлаш мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

B – хизмат сафари мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

C – тижорат мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

T – сайёҳлик мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони;

H – даволаниш мақсадида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сони.

Ҳисобот даврида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонини аниқлаш учун ўқиш, қариндошларни йўқлаш, хизмат, тижорат, сайёҳлик ва даволаниш мақсадида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони қўшилади:

$$T_{out} = S + V + B + C + T + H,$$

бунда,

T_{out} – туристик мақсадларда Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

S – ўқиш мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

V – қариндошларни йўқлаш мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

B – хизмат сафари мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

C – тижорат мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

T – сайёҳлик мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони;

H – даволаниш мақсадида Ўзбекистондан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони.

10. Жойлаштириш воситалари бўйича тўлдириш коэффициентини ҳисоблаш усули

Ҳисобот даври учун жой (койка)ларнинг тўлдириш коэффициенти ҳисобот давридаги тунаб қолишларнинг умумий сонини жой/койкалар сони ва йилдаги кунлар сонини кўпайтмасига бўлиб, 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

$$K = \frac{N_s}{N_b \times N_d} \times 100$$

бу ерда,

K – Жой (койка)ларнинг тўлдириш коэффициенти,

N_s – ҳисобот даврида жами тунаб қолишлар сони,

N_b – мавжуд бўлган жой (койка)лар жами сони,

N_d – йил кунлари сони.

Фойдаланилган ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 18.07.2019 й. ЎРҚ-549-сон .
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 03.04.2018 й. 263-сон.
3. Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO 2008).

Туризм статистикаси бўйича
услугий низомга
1-ИЛОВА

Сайёҳлик сафари мақсадларининг таснифи

Синф	Синф ости	Сайёҳлик сафар мақсадлари номи
1.		<p>Шахсий мақсадлар:</p> <p>Бу тоифа, ишга доир ва касбий мақсадлардан ташқари барча мақсаддаги сайёҳлик сафарларини ўз ичига олади.</p>
	1.1.	<p>Таътил, бўш вақт ва дам олиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бу тоифа, диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, табиат ва санъат жойларига ташриф буюриш, спорт ёки маданият тадбирларида қатнашиш, ҳаваскорлик спорти билан шуғулланишни (чанғи учиш, от миниш, гольф, теннис ўйнаш, сув остида сузиш, пиёда саёҳат қилиш, баланд тоғларга чиқиш ва ш.ў.) ўз ичига олади; - соҳилда дам олиш, сузиш ҳавзалари ва бошқа ҳар қандай дам олиш ва кўнгилочар жойлардан фойдаланиш, денгиз саёҳатлари, ёзги ёшлар оромгоҳларига, дам олиш уйларига бориш, асал ойини ўтказиш, энг сара ресторанларга бориш, соғлом турмуш тарзини юритишга ихтисослашган муассасаларга (масалан, соғломлаштирувчи меҳмонхоналар) бориш, фитнес билан шуғулланиш, даволаниш доирасидаги бундай машғулотларни кўшмаган ҳолда (у ҳолда, унинг асосий мақсади бўлиб “Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари” ҳисобланади) уй хўжалигининг мулкий ихтиёрида бўлган ёки ижарага олинган дала ҳовлига бориш ва ҳ.к..
	1.2.	<p>Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларникига ташриф буюриш; - тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришlash ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

Синф	Синф ости	Сайёҳлик сафар мақсадлари номи
	1.3.	<p>Таълим ва касбий тайёргарлик:</p> <p>Бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар/шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътилларни кўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.</p>
	1.4.	<p>Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари:</p> <p>Бу тоифага, касалланишдан кейинги кўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар ва янада умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни кўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа фақат қисқа муддатли даволанишни ўз ичига олади, чунки даволаш муассасасида бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ётиб узок муддат даволаниш сайёҳлик соҳасига кирмайди.</p>
	1.5.	<p>Дин/зиёрат:</p> <p>Бу тоифага диний йиғилишлар ва тадбирларда иштирок этиш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва ҳ.к. киради.</p>
	1.6.	<p>Дўконларга қатнаш:</p> <p>Бу тоифага қайта сотиш ёки келгусида қандайдир ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун (бу ҳолатда ишга доир ва касбий мақсадлар ўринли бўлади) товарлар харид қилишни истисно қилган ҳолда, шахсий истеъмол ёки совға учун истеъмол товарлари харид қилиш ва ҳ.к. киради.</p>
	1.7.	<p>Транзит:</p> <p>Бу тоифага бирор-бир аниқ мақсадни кўзламасдан, бошқа белгиланган жойга бориш йўлининг давоми бўлган қандайдир жойда тўхташ киради. Ташриф буюрувчилар тоифаси қамрови орасидан фақат ҳуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кирмайдиган,</p>

Синф	Синф ости	Сайёҳлик сафар мақсадлари номи
		ҳамда ҳуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кириб, кечасига қолмайдиган ташриф буюрувчилар чиқариб ташланади. Транзит йўловчилар орасидан қамровга фақат ҳеч бўлмаганда бир кечага қоладиган шахслар киритилади.
	1.8.	<p>Бошқа мақсадлар:</p> <p>Бу тоифага ихтиёрий асосда ишлаш, ишга жойлашиш ва миграция имкониятларини ўрганиш, бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа ҳар қандай ҳақ тўланмайдиган вақтинчалик фаолият турларини амалга ошириш ва ҳ.к. киради.</p>
2.		<p>Ишга доир ва касбий мақсадлар:</p> <p>Ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.</p> <p>Бу тоифага шунингдек, қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мажлислар, конференциялар ёки конгресслар, савдо ярмаркалари ва кўргазмаларда иштирок этиш; - маърузалар ўқиш, концертлар, томошалар ва спектакллар билан чиқиш; - норезидент-ишлаб чиқарувчилар (ташриф буюраётган мамлакат ёки жойдаги) номидан товарлар ва хизматларни реклама қилиш, сотиб олиш, сотиш ёки харид қилиш; - ташриф буюрилаётган мамлакатда узоқ муддатли сафарда бўлганларни истисно этган ҳолда, дипломат, ҳарбий хизматчи ёки халқаро ташкилотларнинг ходимлари сифатида чет эл ҳукуматлари миссияларида иштирок этиш; - нодавлат ташкилотлар миссияларида иштирок этиш; - илмий-амалий ёки фундаментал тадқиқотларда иштирок этиш; - сайёҳлик соҳасидаги норезидент-агентликларнинг (ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги) манфаатлари учун туристик саёҳатлар дастурларини тузиш, жойлаштириш

Синф	Синф ости	Сайёҳлик сафар мақсадлари номи
		<p>ва транспорт хизматларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, йўлбошловчилик ёки сайёҳлик соҳасидаги бошқа ходимлар сифатидаги ишлар;</p> <ul style="list-style-type: none"> - профессионал спорт тадбирларида иштирок этиш; - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбга тайёрловчи расмий ёки норасмий курсларга қатнаш; - хусусий транспорт воситалари (корпоратив самолёт, яхта ва ҳ.к.) экипажи/жамоаси таркибида ишлаш.

Туризм статистикаси бўйича
услугий низомга
2-ИЛОВА

Жойлаштириш воситалари таснифи

Тоифалар	Туркумлар	Гуруҳлар
1. Жамоавий жойлаштириш воситалари	1.1. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари	1.1.1. Меҳмонхона 1.1.2. Шунга ўхшаш муассасалар 1.1.3. Мотель 1.1.4. Пансионат (меҳмонхона типдаги) 1.1.5. Қисқа муддат яшаш учун мўлжалланган бошқа жойлар
	1.2. Иختисослаштирилган жойлаштириш воситалари	1.2.1. Соғломлаштириш муассасалари (санаториялар) 1.2.2. Йил давомида ишловчи санатория соғломлаштириш лагери 1.2.3. Туристик база
		1.2.4. Бошқа турлари.
	1.3. Жамоавий жайлаштирувчи бошқа муассасалар	1.3.1. Дам олиш учун мўлжалланган турар-жойлар 1.3.2. Кемпинг майдонлари
2. Индивидуал жойлаштириш воситалари	2.1. Индивидуал жойлаштириш воситалари	2.1.1. Меҳмон уйлари 2.1.2. Дала ҳовли 2.1.3. Ўтов лагерлари 2.1.4. Индивидуал жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари
3. Бошқа жойлаштириш воситалари	3.1. Бошқа жойлаштириш воситалари	3.1.1. Хостеллар (ёшлар меҳмонхоналари) 3.1.2. Ётоқхоналар

Туризм статистикаси бўйича
услугий низомга
3-ИЛОВА

**Жойлаштириш воситалари таснифланишининг кичик гуруҳлари
таърифи**

Тоифалар	Туркум-лар	Гуруҳ-лар	Жойлаштириш воситалари номи
1.			Жамоавий жойлаштириш воситалари
	1.1.		<p>Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - меҳмонхона ва шунга ўхшаш муассасалар қуйидаги белгиларга эга бўлади: - улар сони белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган хоналардан (номер) иборат; - улар ягона тартиб қоидага эга: хоналарга хизмат кўрсатиш, тўшакларни ҳар куни тўғрилаб қўйиш ва санузелларни тозалашни қўшган ҳолда маълум бир турдаги хизматларни етказиб беради; - улар етказиб берадиган хизматлари ва жиҳозларига мувофиқ равишда синфлар ва тоифаларга гуруҳланган; - ихтисослаштирилган муассасалар таркибига кирмайди.
		1.1.1.	<p>Меҳмонхоналар:</p> <p>Бу гуруҳ меҳмонхоналар, квартира туридаги меҳмонхоналар, мотеллар, йўл устидаги ва соҳилдаги меҳмонхоналар, яшаш жойи бўлган клублар ва ҳар куни тўшакларни тўғрилаб қўйиш, хоналар ва санузелларни тозалаш билан чекланмайдиган меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи шунга ўхшаш муассасаларни ўз ичига олади.</p>
		1.1.2.	<p>Шунга ўхшаш муассасалар:</p> <p>Бу гуруҳ пансионатлар ва мебел билан жиҳозланган хоналар, сайёҳлар учун ётоқхоналар</p>

Тоифалар	Туркум-лар	Гурух-лар	Жойлаштириш воситалари номи
			хамда хоналари бўлган ва ҳар куни тўшакларни тўғрилаб қўйиш, хонани ва санузелни тозалашни қўшган ҳолда чекланган меҳмонхона хизматлари кўрсатадиган шунга ўхшаш жойлаштириш муассасаларини ўз ичига олади.
		1.1.3.	<p>Мотель:</p> <p>Йўл бўйидаги кичикроқ меҳмонхона бўлиб, унинг номерларига одатда кўча томондан кирилади (автомобиль тўхташ жойидан).</p>
		1.1.4.	<p>Пансионат:</p> <p>Дам олиш уйи, тўлиқ хизмат кўрсатувчи ўзига хос меҳмонхона.</p>
1.2.			<p>Ихтисослашган муассасалар:</p> <p>Бу туркум жойлаштириш хизматларини етказиб беришдан ташқари, қандайдир бошқа ихтисослашган вазифани бажарувчи муассасаларни ўз ичига олади.</p> <p>Булар соғломлаштириш муассасалари, меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини, жамоавий транспорт воситалари ва конгресс-марказларда жойлаштиришни ўз ичига олади.</p>
		1.2.1.	<p>Соғломлаштириш муассасалари:</p> <p>Бу гуруҳ жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи даволаш ва соғломлаштириш муассасаларини, масалан, шифохоналар, минерал сувли курортлар, санаториялар, тоғдаги санаториялар, соғломлашаётганлар учун уйлар, қариялар уйлари ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларни ўз ичига олади.</p>
		1.2.2.	<p>Йил давомида ишловчи санатория соғломлаштириш лагери:</p> <p>Ушбу гуруҳга - ташкилий-ҳуқуқий ва мулк шаклларида қатъий назар, мавсумий ёки йил давомида фаолият кўрсатувчи асосий фаолияти</p>

Тоифалар	Туркумлар	Гуруҳлар	Жойлаштириш воситалари номи
			<p>болаларнинг дам олишини таъминлаш ва уларнинг соғлиғини яхшилаш бўйича хизматларни амалга оширишга қаратилган лагерлар (шаҳар ташқарисидаги болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари, болалар соғломлаштириш марказлари, базалари ва мажмуалари, болалар соғломлаштириш ва таълим марказлари, ихтисослаштирилган (профилли) оромгоҳлар (спорт-соғломлаштириш ва бошқа оромгоҳлар), болалар учун соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳлари ва бошқа ташкилотлар) ҳамда таълим муассасалари томонидан ташкил этилган таътил вақтида ўқувчиларнинг дам олишлари ва соғлиғини яхшилашни ташкил қилувчи лагерлар (туну кун ишловчи ёки кундузги) киради.</p>
		1.2.3.	<p>Туристик база: Ушбу гуруҳ туристлар ва сайёҳлар учун турар жой, овқатланиш, маданий ва маиший дам олиш, кўнгили очиш ва дам олиш учун мўлжалланган мажмуаларни, ўзига хос спорт базасини ўз ичига олади.</p>
	1.3.		<p>Бошқа жамоавий жойлаштириш воситалари.</p>
		1.3.1.	<p>Дам олиш учун мўлжалланган турар-жойлар: Бу гуруҳ жамоавий раҳбарлик остида бўлган жамоавий хона (бино)ларни, масалан, квартира туридаги меҳмонхона ва турар-жой сифатида ташкил этилган ва чекланган меҳмонхона хизматлари (ҳар куни тўшакларни тўғрилаб қўйиш ва турар-жойни тозалашни қўшмаган ҳолда) кўрсатадиган уйлар комплекси кабиларни ўз ичига олади.</p>
		1.3.2.	<p>Кемпинг учун майдонлар: Бу гуруҳ чодирлар, автофургонлар, автотиркамалар ва филдиракли уйлар учун мўлжалланган ёпиқ майдончалардаги жойларни</p>

Тоифалар	Туркумлар	Гуруҳлар	Жойлаштириш воситалари номи
			ўз ичига олади. Ушбу барча жойлар ягона тартиб қоидага эга ва айрим сайёҳлик хизматларини кўрсатади (дўкон, маълумотлар бериш, хордик чиқариб ўз кучини тиклаш билан боғлиқ фаолият турлари).
		1.3.3.	Бошқа жамоавий жойлаштириш воситалари.
2.			Индивидуал жойлаштириш воситалари
	2.1.		Индивидуал жойлаштириш воситалари
		2.1.1.	Меҳмон уйлари: Меҳмон уйлари хусусий уй бўлиб, унинг эгаси уни тўлиқ ёки хоналарини ижарага беради. Кўпинча, уй эгасининг ўзи ва унинг оиласи ҳам алоҳида қаватда ёки уйнинг алоҳида қисмида яшайди.
		2.1.2.	Дала ховли – меҳмонлар дам олиши учун шаҳар ташқарисидаги уй.
		2.1.3.	Ўтов лагерлари: ўтов - туркий кўчманчиларнинг наमत билан қопланган кўчма уйи.
		2.1.4.	Индивидуал жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари
3.			Бошқа жойлаштириш воситалари
	3.1.		Бошқа жойлаштириш воситалари
		3.1.1	Хостеллар (ёшлар меҳмонхоналари): Ўз меҳмонларини қисқа ёки узоқ муддатли, хонада қўшимча қулайликларсиз ётоқ жой билан таъминлайдиган турар-жой тизими.
		3.1.2.	Ётоқхоналар: Бу гуруҳ ёшлар меҳмонхоналари, сайёҳлик ётоқхоналари, гуруҳ бўлиб жойлаштириш воситалари, корхона ишчиларини жойлаштириш воситалари, мактаб ётоқхоналари, шунингдек, ягона тартибга эга бўлган ва аксарият ҳолларда харажатлари қолаб бериладиган шунга ўхшаш жойларни ўз ичига олади.

